*Прокурор назорати*

# СОҒЛОМ АВЛОД-ВАТАН ҚУДРАТИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб амалга оширилаётган эзгу ишлар: камтаъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, бола 2 ёшга тўлгунча қараб турадиган оналарга, 16 ёшга тўлмаган боласи бор оилаларга нафақалар жорий этилиши, халқ турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган ҳукуматимиз саъй-ҳаракатлари, ёшлар тўғрисидаги ғамхўрликлар инсон манфаатлари йўлида олиб борилаётган ишларнинг бир қисмидир. Шуни учун ҳам инсон манфаати ҳимоясига қаратилган қонунлар ижросини беками кўст бажарилишини таъминлашни бир дам ҳам унутмаслигимиз лозим.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов томонидан 2000 йил «Соғлом авлод йили», деб эълон қилиниши келажагимиз бўлган ёшларнинг соғлиги, саломатлигининг давлат сиёсати даражасига кўтарилганини яна бир бор дунёга намойиш қилди ва айни пайтда ёшларни ҳам ҳуқуқий, ҳам маънавий, ҳам жисмонан етук, соғлом қилиб тарбиялаш жамиятимиз олдидаги долзарб вазифа эканини тайин этди.

Табиийки, бу борада фикр юритганда давлатимиз келажаги бўлган ёшларга уларнинг соғлом, бақувват, ўқимишли бўлишлари учун барча шароитлар яратиб берилаяпти, бу борада амалдаги қонунлар ижроси қандай, деган савол туғилади. Шу нуқтаи назардан Бухоро шаҳар Ф.Хўжаев туман прокуратураси туман ҳудудидаги мактаблар ва мактабгача тарбия муассасалари, мактаб-интернатларда ёшларга шарт-шароитлар яратилишига қаратилган қонунлар ижросини текширувдан ўтказди. Маълум бўлишича, бу борада бир қатор ишлар амалга оширилган, мактабларда хоналар иссиқ, ўқувчилар барча ўқув қуроллари билан тўлиқ таъминланган, синфхоналар замонавий компьютерлар билан жиҳозланган, боғчаларда кичкинтойлар учун ҳам зарур шароитлар мавжуд.

Бироқ вилоят, шаҳар ва туман халқ таълими тизимидаги айрим мактаблар, мактабгача тарбия муассасалари, мактаб-интернатларда санитария гигинеа қоидаларига риоя қилишда, тарбия масканларини кузги-қишки мавсумга тайёрлашда, таъмирлаш учун ажратилган маблағлардан тўғри фойдаланишда, куни узайтирилган мактабларда болалар учун тайёрланган овқатнинг сифатида, боғчаларни юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар билан таъминлашда бир қатор жиддий камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Шунингдек, аксарият синфхоналарда 40-50 фоизи ишлаши, қолганлари яроқсиз ҳолдалиги, озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш учун музлатгичларнинг йўқлиги, мактаб, боғча ҳудудларидан ахлат ва чиқиндилар ўз вақтида олиб кетилмаслиги, бунинг учун шаҳардаги махсус автохўжалик билан шартномалар тузилмагани, мактаб ва боғчаларда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида олиниши лозим бўлган дори-дармонлар учун маблағ ажратилмагани, қайнатилган сув билан таъминланмаганлиги, қўл ювиш мосламалари йўқлиги, бори ҳам ишламаслиги аён бўлди.

Жумладан, шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 36-сон мактабдаги синфхоналарнинг 5-6-синфларда ёритгичлар ишламаслиги, мактаб ошхонасида идиш-товоқларни ювиш учун ёғсизлантирувчи ва зарарсизлантирувчи моддалар олинмагани, шаҳар халқ таълими бўлими томонидан маблағ ажратилмагани оқибатида 1999 йили умуман дори-дармонлар олинмагани, мактабни кузги-қишки ўқув йилига тайёрлаш ишлари олиб борилган бўлса-да, чала-чулпа бажарилгани аниқланди. 16-сон мактабда эса қўл ювиш ускуналари ўрнатилмаган, синфхоналардаги ёритгичларнинг ҳар иккитасидан бири ишламайди, ўқувчилар қайнатилган сув билан таъминланмаган, мактаб ошхонасининг санитария ҳолати қониқарсиз. Бироқ бу камчиликни тузатиш чоралари кўрилмасдан келинган. Аксарият шаҳар ва туман халқ таълими тизимидаги мактабларда компьютер хоналари талабга жавоб бермайди, компьютерлар олдида ҳимоя воситалари қўйилмаган. Шунингдек, Ф.Хўжаев туман халқ таълими бўлимига қарашли 2-сон мактаб ҳудудидаги ахлат ва чиқиндилар ўз вақтида олиб чиқилмайди. Шундай ҳолатларга 3-сонли мактабда йўл қўйиб келинган. Ҳар бир синфдаги электр ёритгичларнинг 50 фоизи ишлатилиб, санитария қоидаларига хилоф иш тутиб келинган. 25 ва 28-сон мактаблардаги синфхоналар, меҳнат устахоналарида эса умуман ёритгичлар ишламайди. Туман халқ таълими бўлимига қарашли 33-, 2- ва 28-сон мактаб ошхоналарида тайёрланаётган овқатларнинг сифати мутахассислар иштирокида текширилганда, уларнинг сифати, тўйимлилиги ниҳоятда пастлиги маълум бўлди. Бундайин ҳолатларга бошқа мактаблар ошхоналарида ҳам йўл қўйиб келинган.

Туман прокуратураси томонидан аниқланган камчиликларни зудлик билан бартараф қилиш чоралари кўрилмоқда. Текширишлар жараёнида шаҳар ва туман халқ таълими тизимидаги мутасадди раҳбарлар, мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари маъмуриятлари имкони борича бу ишларнинг олдини олиш чораларини кўраётирлар. Айбдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида қарор чиқарилиб, улар тегишли жаримага тортилганлар.

Соғлом авлод - ватан қудрати. Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг етти йиллигига бағишланган йиғилишда сўзлаган нутқларида: «Соғлом авлод деганда, шахсан мен, энг аввало, соғлом наслни, нафақат жисмоний бақувват, шу билан бирга, руҳи, фикри соғлом, иймон-эътиқоди бутун, маданияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни тушунаман» деб таъкидлаб ўтдилар. Соғлом авлодни вояга етказиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган экан, ватанимиз келажаги ёшлар қўлида экан, ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий баркамол, фикран соғлом қилиб тарбиялаш, уларга барча шарт-шароитларни яратиб бериш бурчимиздир. Зеро, инсон манфаатлари барча манфаатлардан устунлигини ҳеч биримиз унутмаслигимиз лозим.

**Ф.МАҲМУДОВ,**
**Бухоро шаҳар Файзулла Хўжаев туман прокурори, адлия маслаҳатчиси**

# ТИНГЛАСАНГИЗ ДЕГАНДИМ

**Ҳурматли «Инсон ва қонун»!**

Мен 36 йил мобайнида дастлаб Самарқанд Тиббиёт ва қишлоқ хўжалиги институтларида, кейинги 4 йилда Жиззах Педагогика институтида талабаларга сабоқ бериб келдим. Бирор марта ҳам муҳокама объекти бўлмадим, эътироз, танбеҳ олмадим. Айни пайтда мақтов варақалари, конкурслар ғолиби каби ҳурматга сазовор ном олиб келганман. Аммо... Жиззах педагогика институтида ишлаган давримда талабчанлигим, баъзи ноҳақликларга танқидий қарашларим айрим кимсаларга ёқмади чамаси, бироз қувғинга учрадим. 1997 йилда институтимизда янги - химия ва биология факультети очилди. Бунинг боиси Жиззах вилояти мактабларида химия ва биология ўқитувчилари етишмаслиги эди.

Лекин институтда ташкилий масала барчани ҳайрон қолдирди. Химия ва биология фанлари бўйича мутахассис бўлмаган шахс факультетга декан этиб тайинланди. У меҳнат таълимига оид билимга эга бўлиб химия ва физикага яқин бўлган бир мавзуда номзодлик диссертацияси ёқлаган, холос. Мен бу ҳақда унинг ўзига, жамоага, институт раҳбарларига бир неча бор айтган эдим. У декан сифатида бир қатор ноқонуний ишларга қўл урди. 1996-1997 ўқув йилининг ёзги семестрига алоқадор дала ва ўқув амалиёти (практика) бўйича синовдан ўтмаган бир нечта талабаларга ён босилиб, уларга стипендия ҳам бериб келинди. Л.Н. деган талаба 4-курс 8-се-

## *Айтсам, тилим...*

местр ҳисобидан биология ва химия фанларини ўқитиш услублари (методикаси) бўйича имтиҳонларни, органик синтез, биохимия бўйича синовларни топширмаган бўлса-да, 5-курсга ўтказилди. Мен бу тўғрида ҳам бир неча марта айтганман. 1998 йилнинг февралига келиб, олийгоҳ раҳбарияти мени чақириб, Н. деган талаба синов ва имтиҳон баҳоларини қўйиб беришни талаб қилди. Мен эътироз билдирдим. У. деган талаба жисмоний тарбия факультетидан химия-биология факультетига асоссиз ўтказилди. Мен буни ҳам гапирдим. Қишлоқ хўжалиги мутахассиси биотехнология фани бўйича маъруза ва амалиёт машғулотлари ўтказа бошлади. Мен бу ишни ҳам танқид қилдим.

Юқоридаги каби гапларни ёқтирмаган институт раҳбарияти мендан қутулиш чорасини излай бошлади. 1997 йил 24 апрелда кафедра мудири лавозимига сайланган бўлсам-да, 1997 йил декабрга келиб, мени вазифамдан бўшатишди. Тўғри, мен пенсия ёшига етган эдим, аммо иш қобилиятим етарли эди. Ёши бир жойга бориб қолган, «қандли диабет» билан оғриган одамга, юқоридаги танқидларим ёқмаган шахслар туҳматга ўхшаш нарса уюштиришди. Г.М. деган ўта дангаса ва қобилиятсиз талабани химия фанлари бўйича имтиҳон ва синовларни топширолмай юрганидан фойдаланишиб, 1998 йил февралида менинг устимдан туҳмат-шикоят хати ёздиришди. Гўё мен унинг шаънига тажовуз қилган эмишман. Бу гапни катта шов-шувга айлантирдилар. Сўнг чақиришиб, «ариза ёзиб, ишдан кетинг» дейишди. Ўша куни алам устида ариза ёзиб бердим. Кечаси ўйлаб хафа бўлиб кетдим. Эртаси аризамни қайтариб олдим. Шунда дарҳол ишга қайта тиклаш тўғрисида буйруқ чиқаришди.

Туҳмат хати ёзган толибага цитология, генетика ва селекция фанларидан умуман билими бўлмаган ҳолда деканат томонидан тайинланган ўқитувчига баҳо қўйдиришиб, қўллаб-қувватлай бошлашди. Мен туҳмат ва сиқувлардан норози бўлиб, ҳақиқат излаб 1998 йил 27 февралда прокуратурага ариза ёздим. Лекин иш тескарисига айланиб, ўзим айбдор бўлиб қолдим. Талаба исботсиз, туҳмат гапларини қилаверди, унинг гаплари маъқулланаверди, мени судгача олиб бордилар.

Келтирган важларимни ҳеч ким текширишни хоҳламади. Устига-устак, синовни 8 ой илгари топширган 4 нафар талабадан «синов учун биздан пул олган эди», деб ёздириб олишибди. Мен бу туҳматлардан чарчаб 1998 йил июнида ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёзиб бердим. Шундан сўнг барча «жанжал» бирдан тинчиб қолди.

Хулоса қилиб айтганда, 62 ёшимда, 25 йиллардан бери «қандли диабет» хасталиги ҳолимда мени шундай аҳволга солдилар. Ёри-биродарларим, жамоатчилик, фарзандларим, ҳамкасб-оғайнилар олдида иззат-обрўйимни, қилган хизматларимни бир чақа қилишди.

Мен бугун ҳеч кимдан лавозим ҳам, мавқе ҳам сўраётганим йўқ. Шу билан бирга меҳнат қобилиятимни ҳам йўқотган эмасман. Билим ва тажрибам бир кунлик эмас. Менга бугун ҳеч кимга керак эмасдек, туҳматдан «четга» чиқариб ташланганим алам қилади, холос. Аммо бу борада йўл тополмай, сизларга нома битаяпман. Айтинг, нима қилсам умримнинг сўнг йилларини мазмунли кўраман? Қайга борайин, кимга учрайин, нима дейин?

**Нодир ЖЎЛБЕКОВ,**
**доцент, Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани, Чархин шаҳарчаси**

**ТАҲРИРИЯТ:**

*Нодир ака, чекингизга тушган нохушликлар битилган номангизни бироз қисқартириб босаяпмиз. Кўнглингиздан кечган гумон ва тахминларингизни «олиб ташладик». Билингки, ҳаёт ҳар доим ҳам равон, Сиз ўйлагандек кечавермайди. У «Алининг майдони», хом сут эмган бандаларнинг турли ёндошув-муносабатлари тўқнашадиган замон ва маконда кечади. Бўлиб ўтган ишларда ҳеч кимни айбламоқчи, бировни оқ, бошқасини сиз атагандек, «қора», «туҳматчи» деб атамоқчи эмасмиз. Сизга ҳам шу маслаҳатни берамиз. Хатингизни тегишли идорага юборсак ҳам бўларди. Аммо бундай қилмадик. Зеро, дилингизда йиғилиб қолган гапларингизни саҳифамиз орқали «тингласак», кўнглиингизни бўшатиб енгил тортасиз, деб ўйладик. Аслида воқеалар қандай кечгани хусусида эса лом-мим демаймиз. Шояд бу ҳақда, шунингдек, арзингиз сўнгидаги саволларингизга тегишли - ваколатли идоралар, қолаверса, сизга «қадрдон» бўлиб қолган илм даргоҳи раҳбарлари жўяли жавоб ва муносабат билдиришса. Ягона қўшимчамиз шуки, Сизга ҳам, бошқаларга ҳам бош дастак - қонун ва унга мутлоқ таяниб иш тутиш мажбурийдир.*

*«Адолат» чоп этган китоблар*

# ҲУҚУҚИНИ БИЛГАН ОДАМ... КУЧЛИДИР!




Бу сўзга изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак. Чунки халқимизнинг кейинги бир асрлик тарихи бунга жонли мисолдир. Истибдод йилларида одамлар онгига бир фикр қатъий қуйилган эди: «Сен фақат меҳнат қилишни бил. Бошқа ишга бурнингни тиқма. Керак бўлса, сенинг манфаатларингни ҳимоя қиладиган алоҳида шахслар бор. Агар уларга тақдирингни ишонмасанг, демак, ғояси бузуқ, душмансан!»

Мустамлакачиларнинг ёзилмаган «қоидалари»га амал қилмаган ҳур фикрли аждодларимиз аёвсиз қатағон қилиндилар. Аҳолининг эрк ва ҳуқуқлари нақадар чекланганлигини оддийгина бир мисол - 1948 йилги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг матни бирор марта ўзбек тилида чоп этилмаганидан ҳам тасаввур қилишимиз мумкин.

Истиқлолимиз қўлга киритилган илк йиллардан мамлакатимиз аҳолиси орасида ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш масаласи энг долзарб вазифа сифатида кун тартибига чиқиши мустақилликнинг бебаҳо неъматларидан деб билмоқ жоиз. Бугун ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиб, ҳоким ёки бошқа раҳбар шахсларни судга бераётган, адолатли ечимга эга бўлаётган оддий фуқароларни кўп кўраяпмиз. Ва бундан ҳеч ким ажабланаётгани ҳам йўқ. Ҳуқуқий демократик жамиятнинг асл моҳияти инсонларнинг дини, ирқи, тили ва эътиқодидан қатъий назар барчага тенг ҳуқуқ берилгани билан белгиланади.

Ҳуқуқий онг ва маданият ҳақида гап кетса, беихтиёр вилоятда истиқомат қиладиган бир танишим ёдга тушади. У қачон қараманг қишлоқда нон топиш қийинлашиб бораётганидан нолиб юрарди. «Хўжалик оқсаб қолди», «Маошларимизни ололмаяпмиз» ва ҳоказо. Иттифоқо, ўтган йили уни тасодифан учратиб, рости гап, дабдурустдан таниёлмай қолдим. Танишим анча ўзгарган эди. Кийиниши анча бежирим, юриш-туриши, гапсўзларида аллақандай ишонч, қатъият пайдо бўлган. Менинг ҳайронлигимни сездими, билмадим, дарров изоҳ берди:

- Қонунларни ўқиб-ўрганмай, кўзи боғлиқ одамдай теп-текис йўлда қоқилиб-сурилиб юрарканмиз. Бир куни газетда «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунни ўқиб қолдим. Хўжаликни қандай ташкил этиш, унинг фаолияти, ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрга ҳассадек қилиб ёзиб қўйилибди. Бу мен учун айни муддао эди. Қавм-қариндошлар билан кенгашиб, фермер хўжалиги туздик. Ҳозир бирор муаммо туғилгудек бўлса, у ёқ-бу ёққа чопиб юрмайман. Дарров қонунга, ҳукумат қарорларига бир карра кўз ташлаб чиқаман. Қарабсизки, ечим «манаман» деб туради. Хуллас, қонун асосида ишлаб, кам бўлмаяпмиз. Бу йил ўтган йилгига нисбатан бир неча баробар кўп даромад қилишни кўзлаб турибмиз...

Қойил қолдим танишимга. Айни пайтда унинг ҳикоясида бетакрор бир ибрат туйдим. Қани энди ҳаммамиз у айтган ҳақиқатни англаб етсак, деб ўйладим. Йўқ, бу шунчаки хаёлий орзу эмас. Шубҳасиз, амалга оширилиши лозим бўлган вазифа.

Яқинда Адлия вазирлигининг «Адолат» нашриёти чоп этган «Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари» деб номланган тўпламни варақлаб, юқоридаги кечинмаларга беихтиёр яна қайтдим. Нашриётнинг ушбу саъй-ҳаракатлари республикамизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва адолатли фуқаролик жамиятини қарор топтириш жараёнига қўшаётган улкан ҳиссасидир.

**Жаҳонгир МИРЗО**



***Покиза нигоҳларинг ҳеч қачон ғам кўрмасин, болажоним!***

**Шавкат АКРОМОВ олган сурат**

*Осойишталигимиз жонкуярлари*

# «БИЗНИ КИМ ҲАМ ҚЎРҚИТАРДИ?»

**шовотлик ўқувчи-қизлар ана шундай дейишди**

Эл-юртнинг тинчлиги, омонлиги, осойишталиги қадри-қимматини турмуши беҳаловат кечаётганларгина дилдан идрок этишлари мумкин. Турмуш осудалиги эса ҳар кимнинг ўз қўлида. Қўшнинг тинч - сен тинч. Улар уйида тутун бурқиса, сенинг ҳам томоғинг ачишади, нафасинг тиқилади. Молини оловга берган бундай одамдан «Ҳай, тинчликми, омонликми», деб сўрамаган қўшни, қўшни бўлибдими? Бунга ҳаққи, ҳадди бор. Биз - ўзбеклар «Молингга эҳтиёт бўл, қўшнингни ўғри санама», деган нақлга қатъият билан амал қиламиз. Дарҳақиқат, тинч, ҳаловатли, осуда турмушга не етсин? Дилимиздаги ўзбекона, мардона ғурур ҳар биримизни узоқ-яқин қўни-қўшнилар олдида дадил бош кўтариб юришга, бурро сўйлашга, айни пайтда сезгир ва ҳушёрликка ундайди. Ана энди англагандирсиз, давлатимиз ва ҳукуматимизнинг сарҳадларимиз дахлсизлиги, юртимиз тинчлиги-омонлиги йўлида кўраётган тадбирлари, қилаётган саъй-ҳаракатлари боисини...

...Шовот - сарҳаддаги туман. Боз устига мамлакатимизнинг энг чекка ва узоқ туманларидан бири. Қўшни Туркманистон билан ўзаро борди-келди, олди-берди алоқаларининг асосий қисми ана шу туман ҳудуди орқали амалга ошади. Мазкур республикага олиб чиқувчи 1 та халқаро, 2 та маҳаллий аҳамиятга молик автомобил ва 1 та темир йўл тармоғи ҳам Шовотдан ўтади. Туманнинг қўшни давлат билан чегара масофаси 55 километрни ташкил этади.

Элим-юртим, тинчим-омонлигим, дея яшаётган осойишталик посбонлари учун бу маълум даражада ортиқча ташвиш, меҳнат, машаққат туғдиради.

- Айрим жузъий ҳуқуқбузарликларни айтмаганда, биз ҳам, қўшниларимиз ҳам осуда яшаб, осуда меҳнат қилаяпмиз, - деди биз билан суҳбатда туман ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция полковниги Аминбой Тожиев, - аммо биласизми, осойишталик учун ҳам курашмоқ керак. Ўз-ўзидан яралажак «жаннат» йўқ. Милиция эса тинч турмушимиз меъмори, бунёдкори бўлмоғи керак. Буни унутишга ҳаққимиз йўқ. Шу боис сарҳадларимизни дахлсиз сақлаб, ўзимизнинг ҳам, қўшниларимизнинг ҳам тинч бунёдкорлик турмушини таъминлашни хизмат вазифамиз, инсонийлик бурчимиз санаймиз. Қўшниларимизга яқин қишлоқлар қанчалик тинч ва осуда бўлса, сарҳадларимизнинг ўзи ҳам шу қадар сокин ва осуда асралади. Биздан кетиб, қўшниларимиз элида, улардан келиб, бизнинг юртимизда осойишталигимизга раҳна солувчиларни жиловлаш учун барча дастаклар ишга солинган.

Мавриди келганда айтиб қўяйлик, суҳбатдошимиз - милиция бошлиғининг деганлари барчанинг эътиборини тортувчи важлар: одамлар турмуш осойишталиги билан боғлиқ масалаларга бефарқ қарашмайди. Нарёғини суриштирсангиз қўшниларнинг қўшни билан ўзаро муроса-ю мадораси, борди-келдиси - ҳаётий муҳим масала. Қолаверса, мухбир сифатида сарҳаддаги ҳамюртларимиз ҳузурига отланганимиз боиси ҳам ана шу.

Дарҳақиқат, юртимизнинг мазкур чегара мавзесида айтишга арзигулик осойишталик вазияти ҳукмрон. Таъкидламоқ мавриди: Ўзбекистон ва Туркманистоннинг айрим қишлоқлари, хонадон ва қасабалари бир-бирига шу қадар туташиб кетганки, кўп жойларда катта кўчанинг бир тарафида туркманистонликлар яшаса, яна бир тарафида ўзбекистонликлар умргузаронлик этишади. Бир йўлдан юриб, бир ариқдан сув ичаётган биродар... Уларнинг кўпчилиги аллақачон ўзаро қариндош, қуда, дўст, биродар бўлиб, чатишиб кетган.

- Ўзаро борди-келдилар учун имкон қадар шарт-шароитлар яратилаяпти, - дейди сарҳаддаги Қангли қишлоғи фуқаролар йиғини раиси Қ.Орнамов. - Бир давлатдан иккинчи давлатга ўтиш-келиш қонун-қоидаларига риоя этилса бас. Борди-келди ҳужжатлари эса бирон-бир монеликсиз, бевосита сарҳаднинг ўзида ёки тегишли фуқаролар йиғинларида шу оннинг ўзидаёқ расмийлаштириб берилади. Узоқ муддатли, кўп бора ва исталган фурсатдаги ташрифлар ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар асосида борди-келди қилаётган фуқаролар ҳам оз эмас. Хуллас, қардошлик алоқалари бир маромда давом этаяпти. Аммо сарҳадда яшаётганимизни, айрим мол ва маҳсулотларга эҳтиёж боис ўзаро ташриф қоидалари бузилиши эҳтимоли борлигини ҳам унутмаслигимиз даркор. Шу сабаб, туман ички ишлар бўлими раҳбариятининг ҳар бир аҳоли пунктида «халқ посбонлари» гуруҳларини тузиш ҳақидаги таклифини қониқиш билан қабул қилдик. Милиция ва фуқаролар йиғинларининг бу ташаббуси туман прокуратураси ва вилоят ички ишлар бошқармаси томонидан маъқулланди. Энг муҳими, бу тадбир қишлоғимизнинг салкам 10 минг кишилик аҳолисига маъқул келди. Ўз хоҳиши, таклифи билан «халқ посбонлари» гуруҳига ёзилганлар сони қисқа фурсат ичида 30 га етди. Улар туман милициясининг қишлоғимиздаги участка нозири раҳбарлигида фуқароларнинг тинчи-омонлигини қўриқлашга бажонидил улуш қўшаяптилар.

- «Халқ посбонлари»нинг саъй-ҳаракати ҳуқуқ-тартиботини таъминлашда сезиларли рол ўйнаяпти, - дейди қишлоқ оқсоқолининг сўзларини қувватлаб А.Тожиев. - Улар туман бўйича 213 нафар киши. Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботи меъёрлари бузилиши қишлоқларда сезиларли, чегара ҳудудларига яқин жойларда эса кескин камайганини ана шундан, деб билаверинг. «Халқ посбонлари» гуруҳлари таркиб топган жамоа хўжаликлари раҳбарлари ҳам ташаббус билан чиқишди. Уларнинг ҳиммати туфайли тумандаги 11 нафар учатска нозирининг барчаси автомашина билан таъминланди. «Халқ посбонлари», «Участка нозири» ёзуви битилган машиналарни қишлоқда ҳар куни, ҳар дамда учратишингиз мумкин.

Туман милицияси бошлиғи намунали жамоат тартибини йўлга қўйиш соҳасидаги барча ишларни ҳадеб таъкидлашни ўзига эп кўрмади. Кейин билсак, милициянинг участка нозирларини транспорт воситалари билан таъминлаш иши Шовотдан бошланиб, бутун Хоразм вилоятига ёйилибди. Вилоят миқёсида амалга оширилган бу ишларнинг бошида эса ички ишлар бошқармасининг бошлиғи, милиция полковниги Т.Худойбергановнинг шахсан ўзи турибди. Саъй-ҳаракатлар тафсилотини сарҳадларимизга яқин жойларда фаолият кўрсатаётганлар, оддий фуқаролар ҳам мамнуният билан таъкидлашди. Жойлардаги хўжаликлар, идора ва ташкилотлар кўмагида милициянинг барча участка пунктлари бинойидай таъмирлангани, янгидан 7 та участка пункти биноси қурилиши бошлаб юборилганини ҳам улар тилидан эшитдик. Шуниси эътиборлики, намунали тартиб-интизом учун курашга аҳли-фуқаронинг ўзлари бош-қош.

- Бир гуруҳ ашаддий террорчиларнинг ўтган йили 16 феврал куни Тошкентда, 30 март куни Сарimoй масканида ва 14 ноябр куни Янгиобод шаҳри атрофларида содир қилган бузғунчилик ва хунрезлик хатти-ҳаракати барча элдошларимизни сергак торттирди, - деди биз билан суҳбатда Шовот шаҳарчаси фуқаролар йиғини раиси Қ.Матсафоев. - Оддий одамлар кимнинг кимлигини эндиликда яхши билишади. Шу сабабки, чаккига-дакки беришни милициянинггина эмас, ўзларининг ҳам бурчи, вазифаси деб билишади.

Оқсоқолнинг бу сўзлари айни ҳақиқат эканлигини, бевосита аҳолининг ўз ташаббуси билан барча қишлоқларда кўп кишилик йиғинлар ўтказилиб, «халқ посбонлари»га вакиллар танлангани, фуқаролардан 70 га яқин киши ўз шахсий автомашиналари билан хизматга отлангани ва ҳар куни навбатчилик йўлга қўйилгани факти рўйи-рост.

Ҳаракат бор жойда барака бор. Ана шу «барака»ни биз милициянинг ҳуқуқбузарлик ва тартиббузарликлар устига ташлаган анчайин пишиқ «тўри»га разм солиб яққол кўрдик.

- Аввалига туман бўйича бир неча юзта ов қуроли мавжудлигини аниқладик, - суҳбатга қўшилиб деди туман ички ишлар бўлими жамоат тартибини сақлаш бўлинмаси бошлиғи, милиция майори Р.Матниёзов.

Милиция ходимининг айтишича, улар меҳнаткашларнинг осуда турмушига ҳалал бериши мумкин бўлган ҳоллар, вазиятларни аниқлаш, шубҳали, ёт шахсларнинг хатти-ҳаракатини кузатиш ва тегишли чоралар кўришда милицияга холис мадад беришмоқда. Ўтказилган тезкор назорат ва текширув тадбирлари мобайнида биргина фуқаролик паспорти талабларини бузиш ҳоллари 600 марта аниқланибди. Бир қарашда буларнинг бари икир-чикирлар. Лекин чораси кўрилмаса фуқаролик ҳужжатига эга бўлмаган 242 нафар, ҳақиқий ҳисобланмаган паспортни дастак қилиб яшаётган 151 нафар, ўз шахсини белгиловчи ҳужжатни ҳисобга қўймасдан умргузаронлик қилаётган 169 нафар фуқаро орасидан тартиббузар, ҳуқуқбузарлар, қаланғи-қасанғилар ҳам чиқмаслигига ким кафолат берарди? Энди эса ана шу сингариларнинг чакки қадам ташламаслигига кафолат бор. Кўрилган тадбирлар натижаси ўлароқ улар фуқаролик паспор-

# Текшириб чарчамаган "комиссия"

**ёки етти хазинанинг бири – «Қаршипарранда» очиқ ҳиссадорлик жамиятидагидаги машмашалар**



(Боши 1-бетда)

Масалан, жамият озуқа омборига (омбор мудири Б.Қиёсов) 1999 йил ғалла ҳосилидан жами 127530 кг. буғдой кирим қилинган. Шундан 50130 кг. далачилик бригадири Р.Низомовдан, 16700 кг далачилик ижарачиларидан ва 60700 кг. «Чорвадор» жамоа ширкат хўжалигидан (вақтинча сақланаётган жамиятнинг ўз буғдойи) қабул қилинган.

Кирим-чиқим ҳужжатларида 1999 йил 1 июндан 12 октябргача жами 98663 кг. буғдой чиқим қилингани қайд этилган бўлиб, шундан 98333 кг. буғдой озуқа аралашмасига қўшиб паррандаларга бериш учун, 40 кг. иш ҳақига ва 290 кг. табиий йўқолиш ҳисобига чиқим қилинган.

Озуқа омборида 1999 йил 13 октябр куни ҳайъат иштирокида қайта тафтиш ўтказилганида 24920 кг. қолдиқ буғдой ўлчаб олинган ва 3947 кг. буғдой камомади аниқланган. Сўровда айбдорлар томонидан сабаб, баҳоналар рўкач қилинади, турли важ-корсонлар кўрсатилади, аммо буғдой йўқ. Дарвоқе, шунча катта миқдорда буғдой ўзлаштирилганлиги ҳолатига обрўли «комиссия»нинг муносабати қизиқ. Айбдорларни топиб, жазолаш ўрнига «3947 кг буғдойни камомад сифатида омборчи Б.Қиёсовдан ундириш лозим» деб «хулоса» қилади улар.

Жамият мутасаддилари камчиликларни хаспўшлаш мақсадида молия ҳисоботи, баланс ва дебитор-кредитор маълумотларни тегишли идораларга ўз манфаатларидан келиб чиқиб, бузиб тақдим этадилар. Жумладан, мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблар юзасидан 1999 йил 1 июл ҳолатига дебитор-кредитор қарзлар тўғрисидаги маълумот таққосланганда, Қарши Давлат солиқ инспекциясига берилган маълумотномада жамиятнинг кредиторлик қарзи 34 млн. 846 минг сўм бўлгани ҳолда «Ўзпаррандасаноат» уюшмасига бу рақам 10 млн. сўм фарқ билан 24 млн. 845 минг сўм қилиб тақдим этилган. Бу нима? Юқори ташкилотнинг кўзини бўяш орқали унинг меҳрини қозонишми ёки юқори ташкилотнинг кўнглига йўл топишнинг «Ўзпаррандасаноат» уюшмаси томонидан белгиланган қоидаси шуми? Эътирозимиз сал ножўя бўлган бўлса узр. Акс ҳолда «Ўзпаррандасаноат» уюшмасининг масъул кишилари бундай кўзбўямачиликка бепарво қараб келмаган бўлардилар!

Яқинда муаммо билан яхшироқ танишиш мақсадида ана шу корхонада бўлдик. Жамият раиси А.Шарипов билан бўлган суҳбат чоғида жамиятнинг кредиторлик қарзи қанча экани билан қизиқдик:

- 35 млн. сўм қарзимиз бор эди. Ҳозир 27 млн. қолди. Саккиз млн. сўмини уздик, - деди у хотиржам.

- Қарз ниманинг ҳисобига узилди? - деб сўрайман ундан, гарчи ниманинг ҳисобига эканини билиб турсам ҳам. У киши аниқ жавоб бермайдилар:

- Йўлларини излаб топаяпмиз.

Ҳа, бу «йўллар» жуда излаб топадиган даражада мураккаб тадбиркорлик маҳсули эмас, балки ўта жўн йўл. Яъни жамиятга тегишли бўлган асосий воситалар сотилаяпти. Хўжаликда маҳсулот етиштиришнинг янги, замонавий усулларини жорий этиш, ишчанлик кайфиятини вужудга келтириш ўрнига, уқувсизларча энг сўнгги чоралар қўлланилаяпти. Масалан, хўжалик балансида бўлган 1765 метр иссиқлик узатиш тармоғидаги қувурлар тўлалигича кесиб олинган. Шунинг 185 метри Ж.Тинаров, Ж.Кенжаев, Б.Қозоқов, С.Абдимуродов ва Ж.Қиёсовлар томонидан тузилган далолатномада ишлаш қобилиятини йўқотган деб топилиб, 1999 йил 17 июлдаги 175-сонли юк хати билан «Чорвадор» жамоа ширкат хўжалигига 304800 сўмга сотилган. 1999 йил 25 августида тузилган яна бир далолатномада 1580 метр труба ишга яроқсиз деб топилади ва «Дунё» ҳиссадорлик жамиятига қарз ҳисобига берилади.

Шу ўринда бир савол туғилади. Қизиқ, «Қаршипарранда» ҳиссадорлик жамияти мутасаддилари ўта ақлли ва устамон ёки қувурларни сотиб олаётган хўжалик раҳбарлари бунинг акси? Ахир, бир корхона ишга яроқсиз деб топган трубани иккинчи бир ташкилотнинг катта маблағ эвазига сотиб олиши ҳақиқатан ҳам ақлга сиғмайди!.. Жамият раиси яқинда қарзини яна бир неча млн. сўмга камаяжагини айтди. Қандай қилиб? Яна ўша йўл билан, албатта. Ҳозирнинг ўзида иккита цехнинг техник воситалари Бухоро ва Чироқчи паррандачилик фабрикаларига бартер усулида мол айрибошлаш ва маблағ ўтказиш йўли билан сотиб бўлинган. Жамият раисидан бу каби хатти-ҳаракатларингиз қонунга зид эканини биласизми, деб сўраганимда, у фабриканинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун, вазиятдан чиқишнинг бирдан-бир йўли шу эканини рўкач қилиб кўрсатди. Қолаверса, «Ўзпаррандасаноат» уюшмасининг бу ишларга бош-қош эканини ҳам қистириб ўтди...

Бугун ҳар бир раҳбардан ишга ижодий ёндашув, тадбиркорлик, ишбилармонлик билан хўжалик юритиш талаб этилиб турган бир паллада наҳотки, меҳнат самарадорлигини оширишнинг ягона йўли шу бўлса?

Қолаверса, кўрилаётган чора-тадбирлар натижаси ишлаб чиқариш самарадорлиги таъминланаяпти, деб ҳам бўлмайди. Ишчилар, тўғрироғи, акциядорлар 1988 йил якунлари бўйича ўз дивидентларини ололмаганлар. Бир қатор ҳиссадорлар иш йўқлиги сабабли бир йилдан бери мажбурий таътилда юргани ҳолда ўнлаб янги кишиларнинг, яъни раҳбарга тегишли бўлган «керакли шахс»ларнинг ишга қабул қилинганлиги ҳам таажжубланарли ҳол.

Хўжалик автотрактор саройида ҳам ишлар шу қадар чувалашиб кетганки, мутасаддиларнинг ўзлари ҳам калаванинг учини тополмай ҳайрон. Жумладан, жамият балансида 23 та турли русумдаги автомобил, 16 та трактор ва 18 та трактор тиркамалари мавжуд бўлиб, техникаларнинг асосий қисми ишга яроқсиз ҳолга келиб қолган. Аксарият автомобиллар бир неча йилдан бери ДАН техник кўригидан ўтмаган. Камаз-5320 русумли бутун бошли бир автомобилнинг бор ёки йўқлиги, агар мавжуд бўлса унинг қаерда ва нима иш билан шуғулланаётгани ҳам жамият раҳбарияти олдида турган ўз ечимини тополмаётган саволлардан бири бўлиб қолмоқда.

Шу ўринда КамАЗ автомашинаси билан боғлиқ масалага атрофлича тўхталсак. Жамият аъзолари уни анчадан буён йўқлигини, раҳбар билан бевосита боғлиқ сирли можаро сабаб йўқолиб қолганлигидан шубҳа қилишади. Такрор ва такрор текшириб чарчамаган ваколатли комиссия ҳам сира бу масалага ойдинлик киритолмайди. Бутун бошли машина игна эмаски, ақли-ҳуши жойида бўлган 4-5 нафар одам «лақиллаб» қолаверса? Юқорида номи тилга олинган комиссиянинг 1999 йил 5 октябрдаги далолатномасида «КамАЗнинг бор-йўғи 46-69 КФ давлат белгиси йўқолган экан, ҳозирда 18 АВ 353 давлат белгиси олинибди. Эндиликда 80 фоиз эҳтиёт қисмлари йиғилган машина тез орада «кўриниб» қолади», деган мазмунда маълумот беришади. 1999 йил 14 октябрдаги (орадан ўн кун ҳам ўтмай) қайта текширув далолатномасида эса бу ҳақда тўхталиб, «ушбу автомобил 1999 йил 6 октябр куни тузилган шартнома асосида (қаранг, 80 фоиз эҳтиёт қисмлари эндигина йиғилган машина) ойига 15 минг сўм тўлаш шарти билан Б.Бердиевга ижарага берилган ва 12 октябр кунги йўл варақаси билан КамАЗ хўжалик автосаройидан номаълум йўналиш бўйича чиқиб кетган» деб ёзишади. Нима ҳам дердик, бу сафар ҳам улар ўқни нишонга уролмай қолибдилар. Бизнингча, машина қайси «номаълум йўналишга» кетганлигини энди ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари тезда аниқлаб берсалар, ажаб эмас.

Ёзаверсак гап кўп. Қисқаси, катта бир хўжалик, нене умидлар билан акция сотиб олиб, дивидент оламиз, шу ерда бола-чақа боқамиз, деган бир гуруҳ акциядорлардан иборат жамият эгасизлик, бошбошдоқлик ботқоғида. Нажот қаерда?! Комиссиянинг даста-даста далолатномаларидан тополмадик биз уни. Далолатномаларда фақат камчиликлар, далиллар тасдиқлангани, нари борса, қонундан четга чиқилмаганлиги таъкидланади. Аммо иш олдинга силжиши учун нималар қилиш лозимлиги ҳақида лом-мим дейилмайди. Бироқ...

Жамият аъзоларининг эртанги кундан умидлари катта. Бир вақтлар илғорликда донг таратган хўжалик яна оёққа туриб, муваффақиятлар қозонишига қаттиқ ишонади улар. Хайрлашарканмиз, «Бугунги аҳволимиз бир сабоқ бўлди. Яхши одам юрт тузар, деб эл бежиз айтмаган. Кўп нарса раҳбарга боғлиқ эканлигини билдик» дейишди улар қатъият билан.

**Фозил ТИЛОВАТОВ,**
**журналист**

---

МУРУВВАТ

# ЯХШИНИ ЯХШИ ДЕРЛАР...

Ангрен шаҳри ўзининг табиий заҳиралари - кўмир ва электр қуввати билан Тошкент вилоятида салмоқли нуфузга эга. Ана шу кўмир ҳавзаси туфайли Ангрен ном таратган. Буни кўпчилик яхши билади. Аммо кўмир кони раҳбари Иброҳим Тенглашевнинг шаҳар аҳлига қилаётган саховатпарварлик ишларини шаҳримиздан ташқарида билишармикин?

Йилига бир марта келадиган Рамазон ойининг хайрия тадбирлари Ангренда ҳамон давом этаётганини айтиш қувонарли ҳолдир. Республикамиз Президенти йил бошида эълон қилинган хайрия-саҳоват ўн кунлигининг доимий равишда давом этишини истаб айтган ниятларига мос равишда шаҳримизда қилинаётган мурувватпешалик ишларининг қизғин давом эттирилаётгани айни муддао бўлмоқда.

Савоб ишни кунида эмас, кунда қилиш керак деб шуни айтишса ажаб эмас.

Иброҳим Тенглашев ўз жамоаси Грум қўрғонида жойлашган мактабни оталиққа олиш билан савоб ишларини бошлади. 1999-2000 ўқув йили учун мактабнинг иситиш тармоқлари таъминланди. Ўқувчилардан 50 тасига янги йил ва ҳайит рамазон хайриялари уюштирилди. Ўқитувчилардан 31 кишининг уйига бир машинадан кўмир тушириб берилди. Бу хайриялар корхонанинг устама фойдаси ҳисобидан қилинди.

Энди Грум қўрғони ҳақида қисқача маълумот: Грум Ангрен дарёсининг ўнг қирғоғида, Дукент сойининг Ангрен дарёсига қуйиладиган ерига, яъни унинг чап қирғоғига жойлашган бўлиб, қаршисидаги тарихий Кўҳи-сим - Кумуш тоғ шаҳрининг давоми бўлган. Бу жой Кўҳи-сим шаҳри фаолларнинг дам оладиган сўлим жойи, керак бўлса давлат миқёсидаги масалани ҳал қиладиган мажлис, машварат ўтказадиган (гурунглашадиган, суҳбатлашадиган) муҳим жой бўлган. Бу ернинг одамлари узоқ тарихий-шаҳар одамларининг давомчиларидир. Ангрен кўмир кони ишга туширилгач, бу қўрғонга электр узатгич ўрнатилди. Электрдан фойдаланувчилар кўпайиб кетганлигидан сўнгги вақтларда электр лампалари тез-тез ўчадиган бўлиб қолди. Юк электр узатгичларининг имконияти етишмай қолди. Қўрғон халқи бу масалада ҳам И.Тенглашевга мурожаат қилди. Саховатли директор ўз мутахассисларини бошлаб келиб, электр узатгични (трансформатор) таъмир қилибгина қолмай, унинг ёнига қўшимча электр узатгични ҳам қуриб берди.

Ўша куни маҳалла фаоллари Иброҳимжонни Дукент сойига бошлаб боришди. Зийрак директор масаланинг бу ёғини ҳам тушунди-да:

- Дукент сойи қўрғонга хавф солаяптими? - деб сўради. Ҳамроҳлари:

- Ҳа, ҳар йили баҳор тошқинида қанча хонадонларимиз азият чекади, - деб жавоб беришди.

- Ундай бўлса Дукент сойининг оқувини четга буриб юборамиз - деди И.Тенглашев бир қарорга келиб, - бунинг учун энини кенгайтирамиз ва чуқурлаштирамиз. Ундан олинган тупроқ ва шағал билан дамба қурамиз. Шунда қўрғон хавфдан қутилади. Шунинг билан бирга бу ерда каттагина майдон юзага келади, унга қўрғон ёшлари учун воллейбол, баскетбол, футбол ўйнайдиган спорт майдончалари қуриб берамиз. Яъни бир ўқ билан икки қуённи ўлжа қиламиз. Бу ерда қабристон ҳам бор экан. У ерга гуллар ўтказиб, зиёратгоҳга айлантирамиз.

Маҳалла фаоллари олам-олам қувонч билан хайрлашишди. Чунки унинг сўзи билан иши бир эди. Масалан, Навгорзон қўрғонида юриб турган автобус тўхтаб қолган эди. Унинг сабаби Навгорзон конининг заҳиралари тугаб, Янгиобод шаҳрининг Ангрен шаҳрига қўшилиб кетиши эди. Аммо Навгорзон қўрғонида яшаб қолганларнинг фарзандлари учун бу ерда мактаб бор эди. Автобус қатнамаганлигидан айниқса, болалар қийналишарди. Бу ҳақда ҳам қўрғон аҳолиси Иброҳимжонга мурожаат қилишди. Мурувватли директор 29-автокорхонага пул ўтказиб, автобус қатновини йўлга қўйиб берди. Буни қарангки, бола баҳона қўрғон кексаларининг ҳам Ангрен бозорига йўли очилди.

Қўрғонга кирадиган йўл кейинги йилларда қатновнинг кўплигидан яроқсиз ҳолга келиб қолди. Вилоят кенгаши депутати И.Тенглашев яна фидойилик кўрсатди. Имкон қадар пул ажратиб, бу кўчага майда шағал тўкдирди ва текислатиб, равон қилиб берди.

Биз И.Тенглашевнинг Грум қўрғонида яшаётган кўпчилик уруш ногиронлари, меҳнат фахрийларига, ёлғиз оилаларга Янги йил хайрияси, Рамазон Ҳайит, фитр хайрияларини берганлигидан хабардормиз. Шунинг учун кўмир конида кўп йиллардан бери ишлаётган раҳбарларини, фидойиларини дуо қиламиз. Умрингизга барака-ю, ишларингиз ривож топсин, деймиз. Ахир, олтин олма дуо ол, дуо олтин эмасми, деган ҳикмат бекорга айтилмаган-ку.

Муборак Ҳайит кунларида И.Тенглашев маҳалла фаоллари, қариялар билан қабристонни зиёрат қилди. Қабристонни обод қилиш ҳақида гап кетди. Шубҳа йўқки, бу улуғ ишда ҳам ўз элига камарбаста инсон, ҳам ишхонада, ҳам маҳаллада ҳурмат қозонган И.Тенглашев бош-қош бўлади.

**Холхўжа ЮНУСОВ**

---

Савоб

# ЭЛМУРОДОВНИ ЭЛ САЙЛАДИ

(Боши 1-бетда)

- Искандаржоннинг саховатпешалиги, очиққўллиги халқимизнинг асл фарзанди эканлигидан нишона бериб туради, - дейди «Экосан» хайрия жамғармаси вилоят бўлими бошлиғининг ўринбосари Робия опа Тўлакова. - Жамғармамизнинг асосий вазифаси камхарж, ногирон, қаровчиси йўқ фуқароларга моддий ва маънавий кўмак беришдан иборат. Искандаржонга ўхшаган ҳотамсифат йигитлар кўпайсин ишқилиб. Отасига раҳмат. Яқинда у камтаъминланган оилаларга хайрия сифатида тарқатиб бериш учун бизга бир тонна олий навли шакар берди. Олийжанобликни қарангки, биз кўмак сўраб унинг ҳузурига бормадик. Балки савоб умидида Искандар Элмуродовнинг ўзидан ташаббус чиқди!

Искандар Элмуродов ўтган йилда ўнлаб кам таъминланган оила фарзандлари етим, сағир болаларнинг суннат тўйини ўтказишда ҳомийлик қилди.

Муборак Рамазон ойида бир неча бор рўзадорларга ифторлик қилиб берди.

Беш нафар ҳамшаҳарини фирма ҳисобидан «Ҳаёт ва қонун» юридик журнали, «Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетасига обуна қилдирди.

Бир неча марта уруш қатнашчилари ва нуронийларни йиғиб, хайрия зиёфати уюштирди.

Мол бозоридан тўрт бош новвоснинг ҳар бирини 250 минг сўмдан харид қилиб, сўйиб, гўшт тарқатди.

***

- Юртбошимизнинг «Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак» деган ҳикматли сўзларини жамоамиз аъзолари ўзларига дастуриламал қилиб олишган, - дейди биз билан суҳбатда Искандар Элмуродов. Очиғи, қилаётган хайру саховатингни газетада чоп эттириш одамни ўнғайсиз аҳволга солади. Оллоҳинг йўлига савоб учун қилинаётган хайр пинҳона бўлмоғи лозим. Башарти, фирмамиз фаолиятини ёритмоққа жазм этган экансиз, аҳил жамоамиз аъзолари ҳақида кўпроқ ёзинг. Чунки улар менинг қанотларимдир...Қаҳрамонимизнинг на-фақат чеҳрасида, баайни феъл-атворида камтаринлик ҳамда ўз жамоасига ҳурмат ҳисси мужассам эди.

***

30-сайлов участкаси ҳудудида яшовчи ҳамшаҳарлари Искандар Элмуродовни яқинда якдиллик билан халқ депутатлари Термиз шаҳар кенгаши депутатлигига сайладилар.

- Мен сайловолди учрашувларда ва номзодини тарғиб этишда Искандаржоннинг ишончли вакили эдим, - дейди Робия опа Тўлакова, - шу нарсага қатъий амин бўлдимки, унинг номзоди ҳеч бир ишончли вакилга ва ҳеч бир ташвиқоту тарғиботга муҳтож эмас экан. У ўзининг бир сўзлилиги, тантилиги, олийҳимматлиги ва энг муҳими, жамоат ишларида фаоллиги билан аллақачонлар элнинг назарига тушган экан. Сайловчилар барча номзодлар ичидан Искандар Элмуродовни ихлос билан сайлашди.

Искандар Элмуродов ўз дастурига мувофиқ амалий фаолиятини бошлади. Бундан ташқари, шаҳарнинг 5-кичик даҳасида тозалик ва ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, ёшлар учун янги иш ўринлари барпо этишга киришди. «Алпомиш» маҳалласида яшовчи кам таъминланган оилаларнинг мактаб ёшидаги фарзандларига дарсликлар ва ўқув қуроллари ҳадя этди.

Сизу биз билан ҳамнафас яшаётган ўнлаб, юзлаб ўзига тўқ ҳамшаҳарларимизнинг ҳам Искандар Элмуродовдан ибрат олишларини истар эдик. Шубҳасиз, эзгулик йўлида ташланган ҳар бир қадамнинг икки дунёда ҳам мукофоти, ажру савоби бор.

**Бахтиёр ОЛЛОМУРОД,**
**Сурхондарё вилояти**

---





Самарқанд божхона бошқармасининг 2-сон Жартепа божхона нозирлари томонидан ўтган йил 401 та ҳолат аниқланиб, 7 млн. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари давлат фойдасига мусодара этилганди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 8 ой ичида 147 та ҳолат аниқланган бўлса, 2-сон Жартепа божхона масканига Асрор Эркаев бошлиқ бўлиб келгач, 4 ой ичида 209 та ҳолат аниқланган.

*Суратларда:* 1. (чапдан) 2-сон Жартепа маскани бошлиғи А.Эркаев, ташкилий назорат бўлими нозири Шуҳрат Раззоқов билан навбатдаги ишларни режалаштираётган пайти. 2. Айланма йўллар бўйича иш олиб борадиган нозир Ҳидир Муҳаммадиев Рей лақабли ити билан постда.

**Нурмамат АЛМУРОДОВ**
**олган суратлар**

---

ти эгасининг масъулияти, мажбурияти, бурч ва вазифаларини ҳис этиб туришади. Паспорт қоидаларига амал қилишнинг аҳволини ўрганиш асносида юртимизга бетакаллуф қадам ранжида қилган 8 нафар чет эл, 15 нафар ҳамдўстлик давлатлари фуқаролари ҳам аниқланди. Айни пайтда кўп қаватли уйлардаги 15 та хонадонда ҳеч ким яшамаётгани ҳам аён бўлди. Мазкур турар жойларга эгалик ҳуқуқини энди туман ҳокимлиги белгилаб беради. Милиция эса юқоридаги ҳолатларнинг барчаси бўйича айбдорларни маъмурий жазога рўпара этди. Бундан ҳам муҳими, ҳозир туманда паспортсиз яшаётган фуқаролар деярли қолмади. Сабаби, ўтган 5 йил мобайнида ҳудудда истиқомат қилаётган 65,6 минг фуқаронинг барчаси мустақил Ўзбекистон Республикасининг янги русумдаги паспортига эга бўлди. Паспорт алмаштириш билан боғлиқ барча тадбирлар вилоятда олдингилар қатори амалга оширилди. Посбонлар гуруҳи ҳам чакки ишламади. Сарҳадлардаги осойишталикни таъминлаш борасидаги тезкор тадбирлар давомида бир нечта жиноий хатти-ҳаракатнинг пайи қирқилди. Тошҳовузлик ота-бола Болтабой ва Ҳайитбой Худойбергановлар яхши ниятли меҳмонларга хос иш тутишмади. Шовотлик ҳамтовоғи Хурсанд Абдуллаев билан тумандаги Юсуф Ҳамадоний бозорига ташриф буюриб, бир йўла 10 бош қорамолни харид қилишди. Савдо битгач, молларни машинага ортиб, Туркманистонга равона бўлишди. Сарҳадлар яқинидаги посбонларни анойи деманг. Улар ҳушёрликни бой беришмади. Натижада моллар ҳам, уларнинг туркманистонлик янги «эгалари» ҳам республикамиз ҳудудини тарк этар чоғи қўлга олиндилар. Моллар ортга, «эгалари» эса милиция идорасига йўл олишди.

Кимки ҳалол меҳнат қилса пичоғи мой устида. Бўйни меҳнатга ёр бермаганларнинг кимлигини эса уй-жойидан, туриш-турмушидан билиб олаверасиз. Бизга қолса, дангасасифат, енгил турмушни қўмсовчиларга кимлигини ётиғи билан эслатиб қўймоқ жоиз. Токи, турмушини ҳалол меҳнатила обод қилаётган, шу янглиғ эл-юртини ҳам бойитаётганлар чўнтагига кўз тикмасинлар. Ҳалол ва меҳнатсевар инсонлар ҳаётига ҳамма ҳавас билан қарасин. Ҳаётда ҳалол яшаган ва ишлаганга эса ҳамиша омад ёр. Худойберганов ва Абдуллаевларга ўхшаган бахил бандаларнинг эса на уйи, на дили обод. Уларни энди суднинг «қора курси»си кутаяпти. «Қора курси» афтидан туркманистонлик яна бир фуқаро А.Жуманазаровга ҳам мунтазир турибди. Унинг юртимиз ҳудудидан озмунчамас - нақ 14 кило тарьяк гиёҳванд моддасини олиб ўтишга қаратилган шум ният қадами Шовотга етганда барбод бўлди. «Тозалаш» операциясида қатнашаётган посбонлар наинки меҳнатсиз бойиш, балки неча юзлаб, минглаб кишиларнинг ёстиғини қуритиш пайида бўлган бу нотавон кўнгил кимсани сарҳадларимиз яқинида қўлга олдилар.

Жиноятчилик пайи қирқилса, олди олинсагина озаяди, барҳам топади. Баъзида жиноятларга оид маълумотларга кўз югуртирар эканмиз, унинг айрим турлари газак олганидан фиғонимиз фалакка ўрлайди. Оқибати оғир кечгучи жиноятлар рўйирост айтганда унинг олдини олишдаги сусткашликлар натижаси. Аммо ўғирлик, гиёҳвандлик, порахўрлик, таъмагирлик сингари жиноятларнинг ошкор бўлиши шубҳасиз ҳуқуқ-тартибот ходимлари меҳнатининг меваси. Масаланинг бу жиҳати назарда тутилса, шовотлик ички ишлар ходимларининг ютуқлари яққол кўзга чалинади. Уларнинг сезгирлиги ва ҳушёрлиги боис азалий дўст ва биродар Тошҳовуз эли билан муносабатларда ўзаро ҳурмат, биров-бировни тушуниш ва мадад руҳи ҳукмрон. Бундай алоқалар ҳар иккала қўшни эл ҳуқуқ-тартибот идоралари ўртасида ҳам мавжуд. Жиноятчиликка чек қўйишда ўзаро ёрдам ва ҳамкорликнинг аҳамиятини осойишталик посбонлари яхши билишади.

Милиция одамларга энг яқин жойда иш кўрувчи ва улар билан доимий мулоқот-муносабатдаги маҳкама. Одамлар орасидаги иш бир устувор мантиқни доимо эслатиб, уқтириб туради. Ҳозирги демократик жараёнлар учун эса унинг аҳамияти беқиёс. Фуқаролик жамиятининг ана шу талаби одамлар билан муомала маданиятида, иймон-эътиқод, инсоф-диёнат тарозусида намоён бўлади. Кишилар елкасига погон таққан милиция ходимини давлат тимсолида танишади. Башарти у кимларгадир зўравонлик ишлатса ёки кўпчилик ҳузурида қуюшқондан чиқса наинки ўзини, балки инсонпарварлик ғояларини улуғлаётган давлатимиз, унинг мўътабар қонунлари, олижаноб қадриятларига ҳам иснод келтиради. Афсус орамизда шу сингари маданиятсиз ходимлар ҳам учраб туради. Айрим фуқаролар ҳақиқий жиноятчи, ҳуқуқбузар, қонунбузарлар бир ёқда қолиб, мўмин-қобил, бировлар мушугига «пишт» дейишни билмаган айрим кишилар ҳам милиция ходимига дучор келаётганини мухбирлик пунктимизга йўллаётган ариза ва шикоятларида ачиниш билан қайд этишмоқда. Милиция ходимининг муомала маданияти ҳам ечимини кутаётган муҳим масалаларнинг бирига айланганлиги ана шу хатларда қайд этилади.

Эътиборлиси шуки, милициянинг шижоат ва жасоратлар билан йўғрилган ҳаётига иснод келтирганларни Шовотда ҳеч ким эслай олмади. Бу чиндан ҳам ибратли ҳол. Гапнинг индаллоси эса шуки, милиция ходимининг инсонийлик фазилатлари, меҳр-оқибати, сезгирлик ва ҳушёрлиги бисёр жойда иллатлар барҳам топади, осойишталик посбонининг обрўси ортади. Замона зўрники эмас, балки қонун, адолат ва ҳақиқатники экани англанган жойда жиноятлар учун сичқоннинг ини минг тангага дўнади.

Туман ички ишлар бўлимида касби-корини улуғлаб, мардлик, шижоат, матонат ва инсонийлик фазилатларини намоён этган, ўзгалардан меҳр-оқибатини дариғ тутмаган, бунинг эвазига номи улуғланган ажойиб посбонларга рўбарў келганимизни таъкидламоқ жоиз.

Участка нозири жон куйдириб ишлаган жойда намунали осойишталик вазияти ҳукмрон. Мамлакатимизнинг сарҳадидаги ушбу чекка туманида осудаликни қарор топтиришда участка нозирларининг хизмати салмоқли. Туман милицияси жиноятчиликнинг олдини олиш бўлинмаси бошлиғи, милиция капитани Ҳ.Матсафоевнинг ҳикоясини тинглаган киши бунга чуқур ишонч ҳосил қилади. «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги Туркманистон билан бевосита чегара ҳудудида жойлашган бўлсада, бу ердаги тинч-тотувлик ва осойишталик вазиятини бутун туманга ибрат қилиб кўрсатса арзийди. Сўнгги пайтларга келиб, қишлоқ аҳли орасида ҳуқуқбузарлик ва қонунбузарликларга қўл уриш ҳоллари деярли барҳам топди. Буни ҳақли равишда милициянинг шу қишлоқдаги участка вакили Илҳом Рўзимов раҳбарлигида ўтказилаётган тарбиявий-тозалаш тадбирларининг самараси, дея баҳолаш мумкин. Милиция капитани Отахон Сатторовнинг Маҳтумқули жамоа хўжалигида участка нозири сифатида фаолият бошлаганига эндигина ярим йил тўлаяпти. Аммо ҳуқуқ-тартибот ва жиноятчиликнинг олдини олиш соҳасида ибратли ишларни амалги ошириш учун шу фурсатнинг ўзи кифоя қилди. Ҳозир туманнинг сарҳадларимизга бевосита туташиб кетган мазкур хўжалигида намунали осойишталик вазияти ҳукмрон. Участка вакилининг қобилу қодирлигини эса қисқа фурсатда рўёбини топган қамровли ишларидан билса бўлади. Бироқ туманнинг энг тинч ва осойишта ҳудуди ҳақида гап кетса, аввал, аввалонбор, аҳоли кўп ва зич яшаётган туман маркази ҳамда «Шовотқалъа» қишлоғини мисол келтиришади. 30 мингга яқин аҳоли яшаётган ушбу катта ҳудудда милиция капитани, катта нозир Файзулла Матёқубовни билмаган, танимаган, ҳурмат қилмаган, дўст, биродар, сирдош санамаган кишини топишингиз амри маҳол. Ишчан нозир Республика ички ишлар вазирининг буйруғига биноан «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган участка инспектори» нишони билан тақдирлангани меҳнатининг муносиб эътирофи бўлди. Мардлик ва жасорат намуналарини намойиш этганлар орасида туман милициясининг бошлиғи, полковник Аминбой Тожиев ҳам бор. У ўтган йилнинг 30 март куни вилоятнинг Саримой ДАН масканида бир гуруҳ ашаддий террорчилар гуруҳини тугатиш операциясида ватаннинг чин ўғлонларига хос фидойилик кўрсатди. Зарур келганда ҳаётини гаровга қўйди. Аммо ҳаётга чанқоқлик туйғусими, шифокорларнинг тинимсиз елиб-югуриши боисми ажалдан омон қолди. Террорчиларни таъқиб қилиш чоғида оғир яраланган Тожиев узоқ даволанишдан сўнг яна сафга қайтди. Машъум олишув чоғида кўрсатилган жасорат эса беиз кетмади. Юртимизнинг бир гуруҳ мард ўғлонлари қатори А.Тожиев ҳам Президент Ислом Каримовнинг Фармонига кўра «Жасорат» медали билан тақдирланди.

...Мамлакатимизнинг шимолий сарҳадларидан вилоят маркази томон қайтаяпмиз. Вақт шомни қоралаган. Чор-атрофга зулмат тўрини ёймоқда. Машинамиз катта йўлни ёқалаб мактабдан уйлари томон шошаётган 4 нафар қизалоққа етиб олади. Афтидан уйлари ҳали анча олисда. Уларни машинага чиқишга ундаймиз:

- Йўқ, пиёда кетамиз, ўрганиб қолганмиз, - дейишади улар.

- Ахир, қоронғу тушиб қолди-ку, қўрқмайсизларми?

- Кимдан қўрқамиз, қўрқитадиган ким бор?

Қизалоқларнинг жавобидан роса таъсирландик. Жавоб оддийгина бўлса-да, мағзини чаққанга кўп маънони англатарди. Сарҳадларимиздаги вазиятни илғаб олиш учун шу икки оғизгина сўзнинг ўзи кифоя. Айни пайтда у тинчлигимиз, омонлигимиз, осойишталигимиз қўриқчиларининг туну кун тинимсиз меҳнати ва курашига берилган энг муносиб баҳонинг ҳам айнан ўзи эди.

**Абдулла СОБИРОВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

